

**Ш.К. Курбаниязов,**  
ассистент, ТДИУ

## **ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

*В статье рассмотрены факторы функционирования транснациональных компаний и их влияние, участие в развитии национальной экономики Узбекистана. Статья определяет анализ эффектов экономического роста и позиции транснациональных компаний (ТНК) на государственной системе управления в период независимости Узбекистана.*

*The article discusses the factors functioning of multinational companies and their influence, participation in the development of the national economy of Uzbekistan. Article also analysis affects and position of Transnational Companies (TNC) in Governmental regulation system of Uzbekistan economy during the independence.*

**Калитли сўзлар:** инновация, барқарор иқтисодий ўсиш, интеллектуал, жаҳон аренаси, технологик янгиликлар.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифат ўзгаришлари амалга оширилди, миллий иқтисодийнинг тармоқ тузилиши инновация ҳисобига янгилади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бироқ бугунги фан-техника тараққиёти, қолаверса жаҳон бозорида рўй бераётган инновацион ўзгаришлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишга имкон бермайди. Шу боис, миллий иқтисодий ва жаҳон бозоридаги интеграцион стратегик ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал этилиши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичи, умуман олганда, интеграция, глобаллашув, либераллаштириш жараёнларининг кучайиши ва миллий иқтисодийларнинг ташқи бозорларга йўналтирилган янада юқори очиклик даражасининг етакчилик қилиши билан тавсифланади. Миллий даражадаги мазкур тенденциялар нафақат хомашё ресурслари ва моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари экспортини жадаллаштиришни, балки технологиялар, молиявий ресурслар, юқори технологик маҳсулотлар, малакали ишчи кучи, ахборотни фаол айирбошлашни ва ижобий миллий имиджни шакллантиришни англатади. Бу стратегия нафақат кўпчилик ривожланган мамлакатлар, балки фаол ислохотлар амалга оширилаётган ва аста-секин янги саноатлашган мамлакатларга айланаётган ўтиш хўжалик тизимига эга мамлакатлар учун ҳам етакчилик қилади. Амалий даражада мазкур стратегия ташқи иқтисодий фаолиятнинг аниқ усуллари ва инструментлари орқали амалга оширилади[1]. Бу усуллар жаҳон бозорининг узок эволюцияси жараёнида ўзгариб ва оптималлашиб келган, ва ҳозирги вақтга келиб тузилманинг фаолият

йўналишига, халқаро лойиҳа тавсифига ва бозор шароитларига мослашувчан эгилувчан оптималлаштирилган технологиялар шаклини олган. Улар турли мамлакатлар ва минтақаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ)ни ташкиллаштириш учун фаол қўлланилмоқда. Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда халқаро профессионал бизнес-ҳамжамият ютуқларида ривожланаётган бозор мамлакатларининг жаҳон хўжалик тизимига турли шаклдаги интеграциясини, халқаро товар, молия ва ахборот бозорларига оптимал чиқишнинг амалий йўллари ташкил қилиш, амал қилиши ва мослашиши борасида катта тажриба тўпланган. ТИФнинг интеграцион инструментларини оптималлаштириш бўйича доимий жараён кетмоқда ва бу шаклланаётган миллий бозор иқтисодиётларининг кучайишига ва бойитилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни қуриш, жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон бозори тизимига, энг аввало, ташқи савдони такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали интеграциялашув йўлини танлади. Таҳлил кўрсатишича, республика иқтисодиётига жалб қилинган турли шаклдаги хорижий инвестициялар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу жараёнда ТМ компанияларни ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ТМКлар бўйича комиссияси ТМКларни таърифлаш учун бир қатор белги ва курсаткичларни белгилаб берди. Буларга қуйидагилар киради:

- ◆ йиллик савдо айланмаси 1 млрд. доллардан ортиқ;
- ◆ камида 6 та мамлакатда филиаллари бўлиши;
- ◆ хорижий активларнинг улуши компания активларининг 25-30 фоизини ташкил этиши;
- ◆ компания жами оборотининг  $1/5 - 1/3$  қисми ташқи операцияларга асосланиши, яъни мамлакатдан ташқарида бўлиши лозим.

ТМКлар ривожланиши давомида бир қанча босқичларни босиб утганлар. Илк корпорациялар вужудга келиш пайтлари (XIX асрнинг охири)дан бири улар жиддий ўзгаришларга дучор булди. Дастлабки авлод ТМКлари ўз фаолиятларини собиқ мустамлакаларда хомашёни қайта ишлашга йўналтирилган эди ва шу сабабли улар “миллий-хомашёвий ТМКлар” сифатида таърифланади, ўз ташкилий кўринишига ва фаолият юритиш механизмига кўра улар картеллар, синдикатлар ва илк трестлар кўринишига эга бўлганлар.

Шундан сўнг жаҳон аренасига ҳарбий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган трест туридаги ТМКлар чикдию уз фаолиятини биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасида бошланган бундай иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам сақланиб қолиб, ҳарбий техника, қуроқ яроғлар ишлаб чиқаришга мослашганлар.

XX асрнинг 60-йилларида учинчи авлод ТМКлари ўзини кўпроқ номоён эта бошлади. Улар фан - техник тараққиёт ютуқларини кенг ишлата бошлаб, концернлар ва конгломератлар шаклида фаолият олиб борганлар ва “техник-истеъмол компаниялари” деб юритилганлар[2].

60-80 йиллар давомида ТМКлар фаолиятида миллий ва хорижий ишлаб чиқариш унсурлари аралашган ҳолда маҳсулотлар сотишда ҳам, ходимлар ишини ташкил этиш ва бошқаришда ҳам, илмий-тадқиқот ишларида ҳам, маркетинг ва бошқа жабҳаларда намоён бўлганди. Учинчи авлод ТМКлари фан-техник тараққиёт ютуқларини жаҳон хўжалигининг периферия минтақаларида кенг тарқалишига асосий туртки бўлганлар. Лекин энг асосийси - улар ягона ахборот ва бозор муҳитига, халқаро капитал ва ишчи кучи бозорига эга бўлган халқаро ишлаб чиқариш учун замин яратдилар. Уларнинг асосий мақсади, янги бозорларни эгаллаш, янги хомашё манбалари, капитал орттирмалари соҳаларини эгаллашдан иборат эди.

Тадқиқотлар инновацион сармоялаш сифатида трансмиллий корпорациялар (ТМК) кўриб чиқилади. ТИФ самарадорлигини оширишда уларнинг роли асослаб берилади. Трансмиллий корпорациялар жаҳон иқтисодиётини халқаро ишлаб чиқаришга айлантириб, илмий-техник тараққиётни унинг барча йўналишларида, яъни маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, менежмент шакллари, корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш каби йўналишларда жадаллашишини таъминлайди.

Трансмиллий корпорацияларнинг инвестицион стратегиялари хорижий капиталнинг қўшимча оқимини таъминлаши мумкин. Сўнгги йилларда корпоратив стратегия глобал жараёнларга йўналтирилган, тўғри хорижий инвестициялар эса унинг ажралмас қисмига айланган. Бундан ташқари, янги технологиялардан фойдаланар экан, компаниялар хорижий бозорлардаги ўз ҳолатини кучайтириш ва капитал кўйилмалар самарадорлигини ошириш учун стратегик имкониятларни мустаҳкамлайди.

Ўтган йилда хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида эришилган натижалар таҳлили Ўзбекистонда инвестицион иқлимнинг янада яхшиланишини кўрсатади, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятлари кенгайганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, инвестицион фаолият бутун миллий иқтисодиётга ва шунингдек, унинг ТИФ ривожланишига катта таъсир ўтказди. Давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделларини таҳлили кўрсатишича, иқтисодий ривожланишнинг исталган модели маълум бир ташқи муҳитда фаолият юритар экан, инвестицион сиёсатнинг таъсирига дуч келадик, улар ўз навбатида, мазкур сиёсатнинг амалга оширилишига таъсир кўрсатади.

Саксонинчи йиллардан тўртинчи авлод ТМКлари шаклланди ва ўз ўрнига эга бўла бошладилар. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- истеъмол бозорини планеталар даражасида кўра билиш ва рақобатга жаҳон миқёсида бардош бера олиш;
- жаҳон бозорини ўзига ўхшаш бир неча ТМКлар билан бўлиб олиш;
- ўз филиаллари фаолиятини янги ахборот технологиялар орқали мувофиқлаштириб бориш;

- ҳар бир алохида ишлаб чиқариш бўғинини ишини ташкил эта билиш, корпорация бухгалтерияси ва аудити хисоботини ягона тизимда шакллантириш;
- ўз филиаллари, заводлари ва кўшма корхоналари ягона халқаро бошқарув марказига бирлаштириш;
- ТМКЛАР жойлашган мамлакатларга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таъсир ўтказа олиш.

Шундай қилиб, уларнинг стратегияси инновацион тусини олган, битта тармоқли структурадан воз кечиши билан ажралиб туради (“GM” корпорациясининг мамлакатимиздаги фаолиятини оладиган бўлсак: автомобиллар ишлаб чиқариш билан бирга унга ёрдамчи ишлаб чиқаришлар – ойна, бўёқлар, эҳтиёт қисмларини чиқариш ва турли сервис хизматларини кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган; бундан ташқари электр техникаси соҳасида, шунингдек, автобуслар ўтказиб бериш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам анча олға юрилган).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида ташқи савдони ривожлантириш учун экспорт салоҳиятини ошириш керак. Ўзбекистонда кўшма корхоналар сармоялар жалб этиш тури сифатида технология ускуналари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун ўз манбаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз И.Каримов 2014 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси — 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди. Ўтган йил яқунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди[3]. Бу, авваламбор, хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

ТМКлар фаолиятининг ривожланиши янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келади, ижтимоий катламлар ўртасида юзага келиши мумкин

бўлган зиддиятларни силлиқлайди, рақобатни ривожланишига ва миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқалари муваффақият билан ривожлантирилмоқда, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилмоқда, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтирилиб, чуқурлаштирилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурга асосланиши керак.

Ўтган йиллар мобайнида чет эл валюталарида ўсиш суръати мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Амалдаги баҳоларда эса иқтисодиётга жалб этилган жами инвестициялар 2006 йилда 4040,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 5353,0 млрд. сўмга тенг бўлган ёки шу даврда инвестицияларнинг ўсиш суръати 32,5 фоизни ташкил этган. 2009 йилда иқтисодиётга сармоялаш ҳажми 8,2 млрд долларгача ўсиб, бу 2008 йилга нисбатан 24,8 %га кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 % ўсди, уларнинг асосий қисмини 1,8 марта кўпайган тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади.

Бу жараёнда ҳукумат томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган қонуний-меъёрий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим ўрин тутди[4]. Унда илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш йўллари белгиланган. Шунга мувофиқ инвестициялар таркиби ҳам ўзгармоқда.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги қонун. 04/05/2006.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 17 январь.

4. ПП РУ «О дополнительных мерах в сфере стимулирования внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года.

5. Мировая экономика и международный бизнес: учебник / кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф.р.к.Щенина.- 5-е изд., стер.- М.: КНОРУС, 2008.-688 с.